

**2025 йил 17 – 20 март кунлари давомида  
Жамғарманинг Тошкент шаҳар бўлинмаси томонидан  
амалга оширилган ишлар тўғрисида  
МАЪЛУМОТ**

1. Тасдиқланган мониторинг ва таргибот жадвалига мувофиқ, Бўлинма ходимлари Шайхонтохур туман тиббиёт бирлашмасига қарашли БТСЁМ га (40, 43, 44, 45-ОП) ва шифохоналарга (9-ШТК, 7-ШТК, 6-ШТК, 5-ШБКШ) га сафарбар қилиндилар. Мониторинг тадбирлари билан бир каторда ПҚ-311-қарор мазмун-мохияти ва давлат тиббий сугуртаси тизимининг афзаликлари тўғрисида таргибот тадбирлари ҳам ўтказилмоқда. Мониторинг маълумотномалари ва таргибот баёнлари ТҲСНҚБ га тақдим этиб келинмоқда.

2. Реимбурсация дастури бўйича масъул ходимлар Шайхонтохур ТТБ га қарашли 43-ОП га сафарбар қилиндилар.

3. 20-март кунига қадар даволанган холатини мис-2 тизимиға киритилиш холати таҳлил қилиниб (066- ва 066/1) ва хато камчиликка йўл қўйган ДПМ раҳбарларига камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

4. Даволаш-профилактика муассасаларида тиббий ёрдам сифатини назорат қилиш ва экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни ССВ мутахассислари билан биргаликда кўриб чиқилиб, буйруқ лойиҳаси тайёрланди.

5. Тасдиқланган режага асосан "Давлат тиббий сугуртаси механизmlарини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-311-сонли қарор ижроси юзасидан Шаҳар 5-юқумли касалликлар шифохонасида мониторинг ўтказилди.

6. Тошкент шаҳридаги бирламчи тиббий санитария ёрдамчи муассасаларида ДМЕД ахборот тизимининг реимбурсация дастурида тегишли Дорихоналар томонидан 2025 йил февраль ойида амалга оширилган ишлар бўйича хисоб-фактуралари текширилиб, молиялаштириш учун Жамғармага имзолаб тақдим этилмоқда.

7. Тиббиёт муассасаларининг дебитор ва кредитор қарздорликлари таҳлил қилинди.

8. Тиббиёт муассасаларини молиялаштириш ишлари назоратга олинди.

9. Январь ойида тиббиёт муассасаларини молиялаштирилган тўлов топшириқномалари бажарилган ишлар далолатномалари киритилди.

10. Тиббиёт муассасаларини даволанган холат бўйича молиялаштириш учун хисоб-китоб ишлари амалга оширилди ва сертификат тайёрланиб Жамғармага тақдим этилди.

11. Тиббиёт ташкилотларининг 2025 йил учун ишлаб чиқилган Бизнес-режалари таҳлил қилиниб Жамғармага тақдим этилди.

12. Тиббиёт муассасалари ходимларга аванс тўловларини тўлаб берилиши назоратга олинди.

13. Шайхонтохур ТТБ ва Шаҳар 2-сон болалар жаррохлик клиник шифохоналари томонидан январь-февраль ойларида сарфланган тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлик бўлмаган харажатларни апрель ойида молиялаштириладиган олдиндан тўлов маблағлари хисобидан чегириб қолиш юзасидан раҳбариятга ахборот киритилди.

14. EDO.IJRO.UZ Ижро интизоми идоралараро электрон тизими орқали келиб тушган хужжатлар кўриб чиқилди ва 3 та хужжат ижроси таъминланди.

**Жамғарманинг Тошкент шаҳар  
худудий бўлинмаси бошлиғи в.б**

**Б.Мўминов**